

Ибрат вақти



17:13 / 15.03.2020 4425

Жарроҳ шифокор касалхонага кириб келди. Беморни жарроҳлик амалиётидан аввал дуо қилди. Сўнгра амалиёт хонасига кириб кетаётганда, бемор боланинг отаси жарроҳ шифокорга юзланиб бор овози билан:

- Нимага кеч қоласиз? Ўғлимнинг ҳаёти хавф остида бўлса, инсофингиз борми ўзи?, - деб бақриб кетди.

Шифокор совуқ табассум қилиб, жавоб берди:

- Илтимос, тинчланинг. Амалиётимни эсон-омон тугатиб олгунимча мени дуо қилиб турунг. Ишончингиз комил бўлсин. Ўғлингиз Аллоҳнинг паноҳида.

Ота деди:

- Ака, сизни уялтириш ниятим йўқ. Агар сизнинг ўғлингиз ҳаётдан жудо бўлаётган бир пайтда, тинчланган бўлар эдингизми? Бошқаларга насиҳат қилиш бунчалар осон иш бўлмаса.

Шифокор индамасдан амалиёт хонасига кириб кетди. Сўнгра икки соатдан кейин шошиб чиқиб беморнинг отасига:

- Амалиётим муваффақиятли ўтди. Аллоҳга беадад шукр. Ўғлингизни ахволи жуда ҳам яхши. Мени маъзур тутасиз. Бошқа борадиган жойим бор, деб беморнинг отасидан ҳеч қандай саволини ҳам тингламасдан чиқиб кетди.

Чиқиб кетаётган хамширадан ота сўради.

- Бунчалар мағрур бўлмаса бу шифокор?

Ҳамшира:

- Ўғиллари автоҳалокатда нобуд бўлганди. Шунга қарамасдан, ўғлингизни ахволини билганларидан кейин йўқ демасдан, тезда етиб келдилар. Ўғлингизни ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлганларидан кейин, ўз ўғилларини дафн этиш учун яна шошилиб кетдилар.

Бошқалар ҳақида хулоса чиқаришга шошилманг, зеро биз бошқаларни ички кечинмаларини доимо билишга ожизмиз...

Islom.uz портали таҳририяти